



ТИЛ ОФАТИ

آفات اللسان

في ضوء الكتاب والسنة

تأليف الفقير إلى الله تعالى

د. سعيد بن علي بن وهف القحطاني

الطبعة التاسعة - محرم ١٤٣١هـ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Кириш

Улуғ ой Рамазонда Аллоҳ Таоло бандалрига ваъда қилган ажрлар билан ажрланиб чиқишга, гуноҳлардан покланиб чиқишликка Аллоҳдан ёрдам сўраймиз!

Аллоҳ Таоло Оли Имрон сураси 102-оятида деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُمْ مُسْلِمُونَ

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинг”.

Аллоҳ Таоло бизни тақвога чақирапти. Рамазон ойдан тақво билан чиқишликка Аллоҳ Таоло муваффақ қилсин! Чунки, Аллоҳ Таоло бизга Рамазонни фарз қилганида, сизлардан олдингиларга ҳам рўза тутишлик фарз қилинган, деб, Бақара сурасида бизга ҳам рўза тутишлик фарз қилинганлигини баён қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

“Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсангиз”.

لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ - “...Шоядки тақводор бўлсангиз”, деб, тақводор бўлишга чақирди. Бу ойда имкон қадар тақво билан чиқишликни Аллоҳ Таоло Ўзи насиб қилсин!

Саҳоба розияллоҳу анҳулар Рамазонга етишишликни жуда ҳам орзу қилишган. Рамазонга олти ой қолган вақтдан бошлаб: ”Аллоҳим, бизларни Рамазонга етқизгин”, деб дуо қилишган ва Рамазонга тайёрланишган.

Тайёрланишликларида амалларда, ибодатларда ўзларини чиниқтириб, ҳамма ибодат турларини бажаришга одатланишган. Фарз ва вожиб ибодатлар: доимий намоз, садақа, закот, Ҳаж фарз ибодатларидан ташқари нафл ибодатлар, нафл намозлари, нафл рўза, садақа, эҳсон, яхшилик қилиш, Аллоҳ Таоло томонидан ажрлари улуғ савоблар баён қилинган қайси ибодатлар бўлса, мана шу ибодатларни қилишга одатланиб туришликни Рамазонга

тайёргарлик деб билишган. Бир ойлик Рамазонда бу одатланган ибодатларини янада зиёдаси билан бажаришга ҳаракат қилишган.

Агарда кечалари туриб бир соат таҳажжуд намозини ўқийдиган бўлса, Рамазонда эса кечалари билан намозларида қоййим бўлишган. Бошқа вақтлари ҳафтада, ойда бир марта садақа қилган бўлса, Рамазонда ҳар куни садақа қилишга ҳаракат қилишган. Яна ота-онага яхшилик қилиш, ўзаро қўшничилик, нимаики яхши амалларни Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилиб, ажрларини баён қилган бўлсалар, ҳаммасини қилишга одатланиб туришлик Рамазонга тайёргарлик бўлган ва Рамазон ойида ҳаммасини зиёдаси билан қилиб олишга ҳарис бўлишган. Аллоҳ Таоло бизларни ҳам шулардек бўлишликни насиб қилсин!

Нима учун Рамазоннинг қадри бунчалик баланд? Чунки Рамазон ойида қилинган амалларнинг ажри зиёда, чексиз берилиши ҳақида Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган Ҳадисда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Одам болаларининг амалларини Аллоҳ Таоло зиёда-зиёдаси билан ажрларини беради. Бир яхшиликка ўн баробардан етти юз баробаргача ажрлар берилади”**.

Ҳадисда Қуръон ўқиганда қанча ажр олишлиги ҳақида ҳам айтилган. Битта ҳарфни ўқиса битта ҳасана ҳисобланади, унга ўн баробар, унданда кўп ажр бериши мумкин.

Бунда инсоннинг содиқлиги, ихлоси, ниятига боғлиқ. Инсон қанчалик ихлос билан, сидиқ билан бир амални бажарса, шу амалига ўндан етти юз баробаригача ажр бўлади, дедилар Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам.

Аллоҳ Таоло деди: **"Илло, рўзагина бундай (ўндан етти юз баробаргача) ҳадга киргизилмади, чунки у Мен учундир. Бандам ўзининг шахватини, нафсини Аллоҳ учун, деб тарк қилади ва Мен Ўзим унинг мукофотини бераман"**.

Уламолар Аллоҳ Таолонинг мана шу сўзларидан рўзадорнинг ажрига ҳад, чегара қўймаганлигига далил қилиб айтган сўзлари кўп.

Аллоҳ Таоло, уни Ўзим мукофотлайман, деганинг сабаби, Аллоҳ бандасига еб-ичишни, никоҳланишни фитрат қилиб қўйган эди. Аллоҳ Таоло мана шу фитратини, шахватини, еб-ичишини Мен учун

тарк қилиб туради, деди. Бунинг ажрининг улуғлиги, буюклигини ҳис қилишимиз керак.

Яна Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **"Ким Рамазонда Аллоҳ ва Росулига иймон келтириб, рўза ойини фарз қилганлигига иймон келтириб, ажрларга иймон келтириб рўза тутса ва мана шу ажрларни умид қилиб, менга ҳам мана шу ажрлардан бўлади деб ният қилиб, рўза тутса, унинг ўтган ҳамма гуноҳлари кечирилади"**, дедилар (Мутафакқун алайх).

Демак, биз Рамазон ойида рўза тутаётган эканмиз, аввало, Аллоҳга ҳамд айтиб, мўминларданман, деб иймон келтириб, Аллоҳ рўзани фарз қилганлигига иймон келтириб, бунга берилadиган ажрларга ҳам иймон келтираётганимизда шу ажрларнинг нима эканлигини билишимиз керак. Қандай ажрлар берилади, мана шуларни билишимиз керак.

Гуноҳларимизнинг кечирилишлиги ажри ва қабрда ҳам рўзадорнинг рўзаси шафоатчи бўлишлиги ҳақида Ҳадис келган. Агар инсон Аллоҳ учун деб, ихлос билан рўза тутган бўлса, қабрда у солиҳ амал ҳолатида унга шафоатчи бўлади. Мункар-Мунаккирнинг савол-жавоби вақтида унинг олдида туради. Токи Қиёматгача қабр азоби, фитналари олдида намози, бошқа солиҳ амаллари билан бирга рўзаси ҳам уни ҳимоя қилиб туради.

Мана шу ажрларни билган ҳолда рўза тутишлигимиз, бизнинг ғофил бўлмаганимиз, ҳеч нарсани сезмасдан, ҳамма рўза тутгани учун рўза тутиб, мусулмон одам рўза тутиши керак экан, деб тутган ғофилроқ кимсалардан кўра фарқли бўлиб қоламиз. Шу ажрларни умид қилишимизга лойиқ бандалардан бўлишимизга сабаб бўлиб қолади.

Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келган ривоятда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: **"Ким беҳуда сўзларни ва унга амал қилишни ва жохилликни тарк қилмаса, унинг еб-ичишининг тарк қилишининг маъноси йўқ"**.

Бугунги суҳбатимиз ҳам **"Тил офатлари"** китобидан бўлиб, бу китобнинг муаллифи, барчамизга машхур бўлган "Ҳиснул муслим" китобининг муаллифи Али ал-Қахтоний ёзганлар. Китоб ва Суннат далиллари асосида баён қилганлар.

Бу мавзуни умримиз давомида ўргансак арзийдиган мавзудир. Чунки инсон тили орқали жаҳаннам эгаси бўлиб қолиш ҳолати кўпроқ экан. Биз бошқа азоларимиз билан қилинадиган гуноҳлардан тийила оламиз.

Масалан, кўп инсонлар харом дейилган нарсаларни еб-ичишдан, зино, ўғирлик ва бошқа гуноҳларни қилишдан тийилган бўлади, лекин тилининг гуноҳдан тийилиши қийинроқ. Хоссатан, Рамазон ойида тутаётган рўзасининг маъноси йўқ бўлиб қолади. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ажри кетиб қолади, дедилар.

Беҳуда сўзлар, бу сўзлар Ҳадисда " **ذُر** " маъноси билан айтилди: ёлғон, ноҳақ гаплар, ғийбат, чақимчилик, мана шуларнинг ҳаммаси бунинг маъносининг ичига кириб кетади.

Амал қилиш дегани, бу шу гапларни гапириб қўйиш, тили билан ёлғон, ноҳақ ботил сўзлар, мана шу нарсаларни гапириш.

Жаҳл, унинг жохиллиги ўзига-ўзи жохиллик қилиб қўйиши ҳам мумкин, бошқаларга нисбатан ҳам жохиллик қилиб қўйиши мумкин. Жохиллик деганда ҳамма гуноҳларни ҳам тушунсак бўлади. Гуноҳлардан, беҳуда сўзлардан тийилмасдан тутиладиган рўзанинг маъноси йўқ, дедилар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Шунга биноан биз ҳам шу тутаётган рўзамизни, ундан умид қилаётган мана шунча ажрлардан бенасиб қолмаслигимизнинг тадоригини кўришимиз, ҳаракатини қилишимиз керак.

Биринчидан, тилга таниқли бўлган офатларни таниб олишимиз керак ва улардан тийилишимиз керак. Уламаолар: "**Тил рўзаси умр бўйи керак**", деган эканлар. Уламолар бу ерда еб-ичиш рўзаси Рамазон ойида фарз бир ой фарз бўлди, бошқа вақтлари эса суннат кунлари душанба, пайшанба, ой тўлган кунларда рўза тутамиз. Буларнинг ҳаммаси еб-ичишдан тийилиш ҳисобланади, лекин тилни тийиш инсон умрининг охиригача тутиладиган рўзадир, деб таъриф беришган.

Демак, биз тил офатларини биламизми, мана шу нарсалардан ўзимизни қанчалик эҳтиёт қиляпмиз, мана шуларни ўрганамиз. Бу

мавзу ҳаммамиз учун тарози. Ўзимизни ўзимиз ўлчаб оладиган, кимлигимизни танитадиган, ўлчайдиган бир тарозидир.

Агарда бунда бошқаларни тарозига кўядиган бўлсак, ўзимиз манфаат ололмай қоламиз. Хоссатан, бу мавзуда ҳамма ўзини ўзи ўнглаши, тарбиялаши керак бўлади. Албатта, бошқаларга ҳам етказиб, бошқаларнинг ҳам хатосини тузатишимиз фойдадан холи бўлмайди. Ҳар бир аёл бу мавзунини ўрганиб, амал қилса, биринчи ўринда фарзандларига ўргатади, тарбия қилади, яқинларига, қариндошларига тарбия маъносида ўрганиш-ўргатиш бу бошқа масала. Лекин фалончига роса керакли мавзу экан, фалончи ўзини тўғирлаб олса бўлар экан, деган нарсани олдимизга қўйиб оладиган бўлсак, ҳеч қачон биз ўзимизни тузата олмаймиз ва кўп яхшиликлардан маҳрум бўлиб қолишимизга сабаб бўлади.

Бу мавзуда эшитганларимизга барчамизга Аллоҳ Таоло тавфиқ берсин!

Аллоҳ Таоло Нисо сурасининг 1-оятда деди:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَحَدَّةٍ مِنْهَا رُوحَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا
كَثِيرًا وَنِسَاءً ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا

"Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан тақво қилинглар! Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари) дан қўрқинг. Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчи Зотдир". Бу оятда Аллоҳ Таоло бизларни тақвога буюраяпти.

Ва яна тақвога буюрилган оятлардан Аҳзоб сурасининг 70-71-оятда Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَفُولُوا قَوْلًا سَدِيدًا (۷۰) يُصْلِحْ لَكُمْ أَعْمَالَكُمْ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ
وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا

"Эй мўминлар! Аллоҳга тақво қилинглар ва тўғри сўз сўзланглар. Сизнинг амаларингизни солиҳ қилур ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, дарҳақиқат, улкан ғалаба (хақиқий нажот) га эришибди "

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Сўзларнинг энг яхшиси бу Аллоҳнинг Китоби, йўлланмаларнинг энг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлланмасидир, ишларнинг энг ёмони янги пайдо қилинган бидъатлардир. Ҳар бир янги пайдо қилинган нарса бидъат ва ҳар бир бидъат залолатдир ва ҳар бир залолат дўзахдир"**, деганлар.

Шубҳасиз, Аллоҳ Таоло инсонга Ислом неъматидан кейин яна кўп, улкан неъматларни берган. Бу неъматлардан энг катта улуғи тилнинг гапиришлиги. Инсонга гапирадиган тил бериб қўйганлиги улуғ неъматдир. Бу тил икки томонга ишлатсак бўладиган қуролдир. Агар Аллоҳнинг тоатига, Қуръон ўқишга, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришга, мазлумга ёрдам беришга ишлатсак, бу ҳар бир мусулмондан талаб қилинган иш бўлиб, мана шу неъматнинг шукрини адо қилган бўламиз.

Агарда шайтоннинг итоатига, мусулмонларнинг жамоатининг тарқалишига, ёлғон, ҳар хил беҳуда сўзларга, ғийбат, чақимчилик, мусулмонларнинг номини, обрўларини поймол қилишга ва бундан бошқа Аллоҳ Таоло ва Росули харом қилган нарсаларга ишлатиладиган бўлса, бу ҳар бир мусулмон қилиши харом бўлган амал бўлиб, мана шу улкан неъматга нонкўрлик қилган бўламиз.

Куфроний неъмат бўлиб қолишликдан Аллоҳ сақласин!

Тилнинг энг катта иккита офати бор:

1. Ноҳақ, ботил гапларни гапириш. Бунга Аллоҳ ва Росули ёмон кўрадиган ва рози бўлмайдиган сўзларнинг ҳаммаси киради.

2. Ҳақни айтишдан жим туриш офати. Аллоҳ ва Росули яхши кўрадиган ва рози бўладиган нарсаларни айтиш керак бўлган ўринда айтмаслик ҳам тилнинг офатидандир.

Ҳақни гапирмайдиган, ҳақни гапиришдан жим турадиган бу - соқов шайтон. Аллоҳга осий бўладиган, ўзининг обрўсини ўйлаб, муросаи-мадора қилиб, ҳақни гапирмай кетадиган инсонлар соқов шайтонга ўхшатилаяпти.

Агар инсон ўзини ўлдириши, ёки жисмонан шундай бир озорлар келадики, оқибати уни ўлимга олиб борадиган, ёки каттик азобга тушадиган ҳолат бўлмайдиган бўлса, шундай ҳолатдагина айтмасдан туриши мумкин. Лекин уламолар подшоҳларга мана

шундай ҳолатларда ҳам айтишган. Бошқалар ҳақни айтолмай турган вақтида, бўйнилариға ўлимни олиб, олдилариға бориб ҳақни айтганлиги тўғрисида кўп воқеаларни ўқиганмиз. Бундай воқеалар салафларимизнинг ҳаётларида бўлган, улар ҳатто ўлимга ҳам рози бўлишган. Умуман олиб қаралганда, жонимизга зулм келадиган ҳолатда жим туришлигимиз мумкин, бўлмаса, ҳақни айтиш керак.

Ноҳақ гапларни - Аллоҳ ва Росули рози бўлмайдиган гапларни гапириб юрадиган одам бу гапирувчи шайтондир. Бу одам Аллоҳга осийдир. Инсонларнинг кўпида мана шу икки турнинг ичида гапириб юрувчи инсонларни кўплаб учратишимиз мумкин. Энг ўрта, энг яхши умматларгина тилларини мана шундай ноҳақ гаплардан тийиб олишган ва дунёи Охиратда ўзлариға фойда бўлиб қайтадиган нарсағагина тилини ишлатадиган инсонлар - булар " **أَحْلَى وَسَد** ", " **ЭНГ АФЗАЛ УММАТ** " бўлиб, улар инсонлар орасида унчалик кўп эмас. Тил офатлариға тушиб қоладиган инсонлар эса кўплаб учрайди.

Бу офатлар билан танишсак, ҳақиқатдан, ўзимиз ҳам мана шу офатнинг ичига тушиб қолганлигимизни, қанчалик хатарда эканлигимизни тушуниб қоламиз ва мана шу нарсалардан тийилишга ҳаракат қиламиз. Бу дунёда ҳам гўзал Исломиё жамият пайдо бўлади, биродарлар бир-бири билан хотиржам, осуда, ишониб, қалби хотиржам яшайди ва Охиратда ҳам Аллоҳ Таоло тил офатларидан сақланган бандалариға хотиржамлик ато қилади.

Тил офатлари инсонларға энг хатарли офатлардан, чунки инсоннинг харом ейиш, гуноҳ ишларни қилиш, зулм, зино, харомга караш, мусиқа эшитиш, мана шундай нарсалардан тийилиб олиши осонроқ. Лекин тилни гуноҳ деган нарсалардан ҳаракатлантиришдан сақлаш қийин бўлади.

Ҳаттоки, ҳаётимизда ҳам учрайдиган ҳолатлардан, диндорлиги, зоҳидлиги, жуда ҳам ибодатли инсонлиги билан танилиб турган ҳолатида, шундай бир Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган сўзларни ҳеч бир парво қилмасдан гапириб юборади. Ўзининг мўмин-мусулмон биродарлари ҳақида ҳеч иккиланмасдан, кўнглиға келтирмасдан, камситадиган, ерга урадиган, обрўсини туширадиган гапларни гапириб қўяди.

Инсон шундай бир калимани гапириб қўяди, кейин у чуқурлиги Машрику Мағрибча узок бўлган дўзахга қулаб кетади, ёки етмиш йил дўзахга қараб шўнғиб тушиб кетади. Мана шу битта айтган калимаси сабабли, деган ўринга тушиб қолади.

Яна қанчаси фахш ишлардан, зулмлардан тийилиб олган, юқорида айтганимиздек, тақводор, ибодатлилиги билан танилган инсоннинг ҳам тили шундай бўладики, ўликлару тирикларнинг номусига, обрўсига бемалол тил теккизадиган тили қурол бўлиб қолган.

Айтаётган гапига эътибор ҳам бермайди. Кофир-мушрик ҳақида, душманлари ҳақида, шайтон ҳақида шунчалик гапни гапирмайди, лекин ўзининг мўмин-мусулмон биродарлари ҳақида бир гаплар гапиради.

Мўмин-мусулмон биродари деганда, унинг таниши, битта жамоатда бўлиши эмас, унинг **"ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Росулulloҳ"** деб иймон келтирган, Исломга амал қилаётган мусулмонлардан бўлиши кифоя қилади. Уни танишлиги, бошқа шаҳарда яшашлиги, бошқа миллат бўлиши, фарқи йўқ. Мусулмон биродар деганимизда, у битта жамоатимиздан, ўзимиз таниган инсонни назарда тутмаслигимиз керак.

Биз ҳар қандай мусулмон одамнинг обрўсини, номусини сақлайдиган одам бўлишимиз керак. Мана шу нарсани унутганлигимиз сабабидан бошимизга кўплаб мусибатлар келаяпти, мусулмонлар бирлаша олмайди. Уни у тоифага, буни бу тоифага ажратиб, уни у мазҳабда, буни бу мазҳабда, деб, бир-биримиз ҳақида бемалол ёмон гапларни гапириб юрганлигимиз учун ҳам душманларимизга лаққа гўшт бўлишликка сабаб бўлиб қолдик.

Тилнинг офатлари шахснинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам, Исломий умматга ҳам жуда ҳам хатарли бўлгани учун муаллиф раҳимахуллоҳ: **"Аллоҳ жамлашга муяссар қилди. Мен Қуръон ва Суннатга асосланиб, мана шу хатарли мавзуга қўл уриб, китоб ёзишга ҳаракат қилдим ва уни учта боб қилдим:**

- 1. Ғийбат ва чақимчилик ҳақидаги боб.**
- 2. Аллоҳ ҳақида илмсизлик билан гапириш боби.**

3. Тухмат, хусумат, бир-бирига адоват қилиш, сўконғич бўлиш ҳақидаги боб.

Мана шу нарсаларни тўпладим, Аллоҳ қодир қилгунича ҳаракат қилдим ва "Китоби Суннат асосидаги тил офатлари" деб номладим. Аллоҳ Ўзи мени муяссар қилди ва ёздим, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Мана шунда ниманики тўғри топиб келтирган бўлсам, бу ягона, Маннон бўлган Зотдандир ва нимада хато қилган бўлсам, бу ўзимдан ва шайтондандир. Аллоҳ ва Росули бу нарсадан пок! Ва Аллоҳ Таолодан, улуғ, буюк Аллоҳдан, улуғ Аърш Роббиси бўлган Аллоҳдан Ўзининг гўзал исмлари, олий сифатлари билан сўрайманки, бу китобимни Ўзининг улуғ юзи учун холис қилган бўлай ва ҳаётимда ҳам, вафотимдан кейин ҳам ўзимга фойдали бўлишлигини сўрайман!

"... вафотимдан кейин" шундайки:

يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ (۸۸) إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ

"У кунда на мол манфаат берар ва на болалар. Магар ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келар, (ўша манфаат топар)". (Шуаро сураси 88-89-оятлар).

Мана шундай кунда китобимни ўқиган, эшитган кишиларга, уни китоб ҳолатида чоп қилиб, таъва қилиб чиқарган, тарқатган ва тарқатишига сабаб бўлган кишиларга ҳам фойдали қилишини сўрайман.

Ўзимга ҳам, мана шу илми тарқатишда сабабчи бўлганларга ҳам Жаннатун Наъимларга яқинлашишига сабаб бўлишини сўрайман. Фойдамизга хужжат бўлсин, Аллоҳ Таоло ўрганаётган, билаётган нарсаларимизни зараримизга хужжат қилмасин. Аллоҳ энг сўраладиган улуғ Зот, умид қилинадиган улуғ Зот, Аллоҳ Таоло бизга таваккул қилиб суянишимизда кифоя бўладиган Зот.

"حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ"

"لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ"

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам Аллоҳнинг салом-саловатлари бўлсин! "

Муаллиф бизга ҳамаср бўлганлар, яқинда оламдан ўтганлар. Аллоҳ Ўзи раҳмат қилсин, гуноҳларини мағфират қилсин!

Биринчи боб

Ғийбат ва чақимчилик

Ғийбат ўзи нима? Ғийбат ҳақида уламолар сўзлари билан танишиб чиқамиз.

Ҳофиз ибн Хожар раҳимаҳуллоҳ: **"Ғийбат - бир инсон бошқа бир инсонни зикр қилишига эҳтиёж бўлмаган ўринда зикр қилиши. Зарурат эмас, айтиш керак бўлмаган нарсасини гапиришлиги"**, дедилар.

Имом Ғаззолий дедиларки: **"Биродарингни ўзи эшитиб қолса хафа бўладиган, ёки қарих кўрадиган (бекор айтибдида, дейдиган), ёқтирмайдиган нарсасини гапиришлигинг"**.

Ибни Асир "Ниҳоя" китобида: **"Ғийбат - бошқа бир инсоннинг ёмонлигини гапиришлиги, гарчи унда бўлса ҳам"**, деганлар.

Буларнинг барчаси Ҳадислар асосида айтилган уламоларнинг фикрлари.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ "Азкар" номли китобида айтганлар: **"Ғийбат - бир шахсни, унинг баданида бўлсин, динида, дунёсида, нафсида, яратилиши, хулқи, моли, боласи, эри ёки аёли, ёки хизматчиси, кийими, ҳаракати, табиати, ёки шундан бошқа таалуқли бўлган нарсаларни гапиришидир. Бу нарсаларни гапириши тил билан гапирадими, ёки ишора, рамз, қилиқлар билан кўрсатиб берадими, мана шуларнинг ҳаммаси ғийбатдир"**, дедилар.

Ушбу сўзлардан тушундикки, ғийбат тилгагина хосланган эмас экан. Бирор кишига, ўзи йўқ одамга ёқмайдиган нарсани қандай қилиб бўлса ҳам бошқа бир одамга етказиб қўйишимиз. Бу ишора билан, кўз қисиш билан, ёки бир ҳаракатлар билан, ёки ёзиб кўрсатиш билан, расмини чизиш билан бўлсин, мана шуларнинг ҳаммаси ғийбатга киради. Муҳими, бир инсоннинг ўзида бор нарсасини, балки ёмонлиги бўлсин, ёқтирмайдиган нарсани

бировларга етказиб қўйиш. Муслмон одам билан муслмон одам риюя қилиши керак, бир-бирининг айб-нуқсонларини гапириб юрмаслиги керак.

Иккинчи масала:

Ғийбат билан чақимчилик ўртасида фарқ қандай бўлади? Бу масалада ҳам Ибн Хожар раҳимаҳуллоҳ: **"Ғийбат билан чақимчилик ўртасида озгина фарқ бор. Умуман олганда, кўпинча ғийбатнинг ичига чақимчилик ҳам кириб кетади"**, деганлар.

Ғийбатнинг шарти - гапирилаётган одамнинг ўша ерда бўлмаслиги.

Чақимчиликнинг шарти - чақимчилик қилаётган шахс ёмон ғаразликни, ёки икки шахс ўртасини, ёки жамоанинг ўртасини гапираётган гапи билан бузишни қасд қилган бўлади. У одам бор бўладими, йўқ бўладими, олдида турибдими, йўқми, фарқи йўқ. Мана шулар билан иккаласи бир-биридан фарқланади.

Ғийбатнинг ҳукми қанақа? Ғийбат муслмонларнинг ижмоси билан харом қилинган. Ижмо дейилганидан кейин Қуръондан, Суннатдан, салафлардан етарли даражада далиллар бор дегани. Мана шу далиллар билан танишиб чиқамиз:

1. Оятлардан далиллар:

Нисо сураси 148-оятида Аллоҳ Тало деди:

لَا يُحِبُّ اللَّهُ الْجَهْرَ بِالسُّوْءِ مِنَ الْقَوْلِ إِلَّا مَنْ ظَلَمَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ سَمِيْعًا عَلِيْمًا

"Аллоҳ ёмон гапни ошкор қилишни хуш кўрмайди. Магар мазлумдан бўлса, майли. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи Зотдир".

Мазлум инсон ўз ўринларида, фойдаси бўладиган, ўзидан зулм кетадиган ҳолатларда шикоят қилиб, гапириб юриши мумкин. Оятда "илло" деб мазул одам истисно қилинапти.

Яна Хужурот сурасининг 12-оятида Аллоҳ Таоло деди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيْرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبِ بَعْضُكُمْ بَعْضًا أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيْمٌ

"Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрадими? Ҳа, ёмон кўрасизлар.

Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир".

Аллоҳ Таоло ғийбатдан тақво қилишга чақираяпти, қайтараяпти. Қайтарганлиги бунинг харом амал эканлигини билдиради.

Аллоҳ Таоло Ҳумаза сурасининг 1-оятида деди:

وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَزَةٍ لُّمَزَةٍ

"Ҳар бир обрў тўқувчи ва айбловчига «вайл» бўлсин".

Кўзини қисиб, ишоралар билан, қилиқлар билан бошқараларни масхаралайдиганларга "вайл" бўлсин деди. Бу ҳам ғийбатга киради.

Яна Қоф сурасининг 18-оятида:

مَا يَلْفِظُ مِنْ قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ

"У бирор сўз айтмас, магар ҳузурида (фаришта) ҳозиру нозир", деди Аллоҳ Таоло. Бизнинг елкаларимизда ҳозиру-нозир бўлган фаришталар бор. Улар барчасини ёзиб олади ва Аллоҳ Таоло буларнинг ҳисоб-китобини қилиб олади.

Аллоҳ Таоло Исро сурасининг 36-оятида ҳам ғийбатдан сақланишга чақираяпти:

وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَٰئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا

"Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил — ана ўшалар, масъулдирлар".

Бу оят, Аллоҳ Таолонинг ҳузурида бу нарсалардан жавоб берасан, билиб, билмасдан гапириб юрмагин, деган маънода.

Демак, ғийбат тил офатларидан жуда хатарли офат экан, Аллоҳ Таоло бир ўринда эмас, бир неча ўринда бизга баён қилди.

2. Ҳадислардан далиллар:

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган Ҳадисда айтдиларки: **"Ғийбат нима, биласизларми?" Саҳобалар: "Аллоҳ ва Росули билгувчи" деб жавоб беришди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Биродарингга ёқмайдиган нарсасини гапириб юришинг", дедилар. "Айтаётган нарсам биродаримда бўлса ҳамми?" деб сўрашди. "Агар айтаётган нарсанг биродарингда бўлса, сен уни ғийбат қилган бўласан. Агар унда бўлмаса, тухмат**

қилган бўласан" дедилар Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам".

Ва яна Анас ибн Молик ривоят қилган Ҳадисда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедиларки: **"Меърож кечасида осмонга кўтарилганимда, бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мисдан бўлган тирноқлари билан юзларини, кўксиларини тирнар эдилар. "Ей, Жаброил, булар ким?" деб Жаброил алайҳиссаломдан сўрадим. Жаброил алайҳиссалом: "Улар одамларнинг гўштини ейдиган, обрў-номусларига тил теккизадиган одамлар", деб жавоб берди"**.

Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келган Ҳадисда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **"Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, унга ёлғон гапирмайди, ёлғончига чиқармайди, хорламайди. Ҳамма муслим мусулмонга харом. Бу харом томонлар (яъни қилиши мумкин бўлмаган): энг биринчи обрў-номуси, мол-жони ва қони"**.

Мусулмонни мусулмон ўлдириш мумкин эмас, уни талон-тарож қилиш мумкин эмас ва обрўсини тушириш мумкин эмас. Оз бўлсада, кўп бўлсада, обрўсига тил теккизиш керак эмас. Ҳар кимнинг ўзига яраша хос ўзининг обрўси бўлади.

Обрў деганда бир мартаба, мансаб эмас. Ҳар бир оиланинг ўзига хос фазилатли томонлари бўлади. Шу нарсасини ғийбат орқали тушириб қўйиш харом.

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: **"Тақво мана бу ерда - қалбингиз тоза бўлсин. Кишининг ёмонлигига мусулмон биродарини камситиши кифоя қилади"** дедилар.

Ғийбатнинг келиб чиқиши шу қалб тозамаслигидан келиб чиқади. Оятда: **"Ёмон гумон қалбнинг ғийбати"**, дейилди. Бир шахсга нисбатан олдин қалбида ёмон гумон бўлади, бу қалбида ғийбат бошланган бўлади ва кейин у тилига чиқади.

"Тил қалбнинг чўмичи" деганлар Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам. Бундай Ҳадислар жуда кўп келган.

Юқорида тирик мусулмонлар ҳақидаги далиллар билан танишдик, энди вафот этган мусулмонни ғийбат қилиш эса янада хунукроқ. Тирикни ғийбат қилгандан кўра қаттиқроқ, ёмонроқдир.

Чунки, тирик инсон билан кечирим сўралиб, бир-бирларини тушунишиб, ўзини оклаб, кўнглини топиб олиш мумкин. Ўлган одамга эса бундай қила олмаймиз. Шунинг учун ҳам бу оғир масала.

Ойша розияллоху анхудан Абу Довуд ривоят қилган Ҳадисда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедиларки: **"Агар биродарларинг вафот қилса, у ҳақда ёмон жихатлари бўлса, гапирманглар"**.

Яна Ҳадисда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедиларки: **"Ей, тили билан иймон келтириб, қалбига иймон кирмаган кимсалар! Мусулмонларни ғийбат қилманглар, уларнинг айбларини текшириб юрманглар. Ким мусулмонларнинг айбларини текшириб, майдалаб, кузатиб юрадиган бўлса, Аллоҳ Таоло унинг айбини текшириб қўяди. Аллоҳ унинг айбини текширганидан кейин, уйда ўтирган ҳолида ҳам шарманда қилиб қўяди"**.

Бу Ҳадисда мусулмонни ғийбат қилиш мунофиқларнинг иши эканлиги кўриниб турибди. Тили билан иймон келтириб, қалби билан иймонга кирмаслик бу мунофиқлик, бу гаплар мунофиқларга қарата айтилган гаплар эди. Агар биз ҳам мана шу амалларни бажарсак, мунофиқлик ҳолатига тушиб қоламиз. Бу ерда "ваъид", қаттиқ, ёмон хабар бўлаяптики, мусулмонларнинг айбини очиб юрадиган одамни Аллоҳ Таоло айбларини очиб қўяди. Бекиниб, йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам Аллоҳ таоло уни шарманда қилиб қўяди.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Ҳадиси, бу Ҳадис "Маъис қиссаси" деб келтирилган Ҳадис. Бу қисса шундай бўлганки, саҳобалардан Маъис исмли инсон зино қилиб қўйган бўлади. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга келиб, мени зинодан покланг, деб қайта-қайта айтаверади. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тескари қараб, ўгирилиб жавоб қилмайдилар.

Тўрт мартагача айтиб, бешинчисида ҳам, мени зинодан поклаб қўйинг, деб айтганидан кейин, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам зино қилдингми, деб сўрадилар. Ҳа, деб жавоб берди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бутун бўлганларни текшириб, саволлар бериб сўрадилар. Маъиснинг ҳақиқатдан ҳам

зино қилганлигини исбот қилганларидан кейин, уни тошбўрон қилишга буюрдилар ва тошбўрон қилинди. Тошбўрон қилинганидан кейин, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки одамнинг суҳбатини эшитиб қолдилар. "Бу одамни қара, Аллоҳ ва Росули яширган айбни ўзи ошкор қилиб, ит тошбўрон қилинган каби тошбўрон қилинди", дедилар.

Озгина юрганларидан кейин Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бояги одамлар ачиб, ўлимтик ҳиди чиқиб ётган эшакнинг ўлиги олдидан ўтиб қолишди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Қани фалончилар, қани тушиб, манави эшакнинг ўлигини енглар", дедилар. "Аллоҳ сизни мағфират қилсин, эй Росулulloҳ, мана шу нарса ейладими?" деганларида: "Сизлар ҳозир ўз биродарларинг ҳақида шунақанги қаттиқ гап айтдингларки, мана шуни егандан кўра, ёмонроқ нарсани еб кўйдинглар. Менинг жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, ҳозир Маъис Жаннат анҳорларида шўнғиб, чўмилиб юрибди", дедилар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Бу Ҳадисда ҳам ўлган одам ҳақида ғийбат бўлиб қолди.

Мусулмон биродарини ғийбат қилаётганда, ғийбатни эшитган киши қандай йўл тутиши керак?

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ: **"Ғийбатни эшитган одам биринчи ўринда уни қайтариши, уни гапираётган одамга қаттиқ танбех бериши керак бўлади. Агар сўз билан қайтара олмаса, кўли билан уни тийиб кўйиш керак бўлади. Кўли билан ҳам қодир бўлмаса, тили билан ҳам қайтара олмаса, шу мажлисни тарк қилиб чиқиб кетиши керак бўлади"**, дедилар.

Агар ғийбат қилинаётган одам унинг устози, ёки унинг устида ҳаққи бор ота-онаси бўлса, ёки эри, ёки унга яхшилиги кўп синган киши, аҳли фозил, аҳли фазл, олим, уламо бўлиб танилган, динга кўп хизматлари сингаётган инсонлар бўлса, бунда янада эътибор бериш қаттиқроқ бўлади ва шу ғийбат қилаётган одамни тийиб кўйиш зарурроқ ва шарт бўлади.

Утбо розияллоҳу анҳудан узун, машхур Ҳадисда келтирилганки: "Саҳобалар ўқимай, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам нафл ёки суннат намозларини ўқиб турган ҳолатларида бир

одамлар келиб: “Ибн Дахшан (Молик ибн Дуҳайшин) кани?” деб сўрашди. Бир-икки киши: ”У Аллоҳ ва Росули яхши кўрмайдиган мунофиқлардан”, дейишди. Шунда Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: “Унақа демагин, кўрмаганмисан, Аллоҳнинг юзини ирода қилиб “ла илаҳа иллalloҳ” деган. Тўғри мунофиқлар билан дўст бўлса бордир, лекин “ла илаҳа иллalloҳ” ни мунофиқона айтмаган, ҳақиқатдан чин кўнгилдан айтган одам”. Саҳобалар: “Аллоҳ ва Росули билувчирокдир. Биз уни кўп мунофиқлар билан хайрихоҳ, ўртоқ бўлиб юрганини кўрамиз”, дейишганида, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: "Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг юзини ирода қилиб, мақсад қилиб "ла илаҳа иллalloҳ" деган кишининг юзини дўзахга харом қилди. У одам ҳақида ўз билганлаингизча мунофиқ деб ҳукм қилиб юборманглар".

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам мунофиқлар билан хайрихоҳ бўлиб юрган инсонни ҳам мудофаа қилиб, ҳимоя қилиб кўйдилар. "ла илаҳа иллalloҳ" ни холис, Аллоҳ учун айтганлиги учун мусулмон биродаримиз ҳисобланади.

Абу Дардордан келган ривоятда Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **"Ким биродарининг обрўсини ҳимоя қилса, Аллоҳ Таоло Қиёмат куни унинг юзини дўзахдан ҳимоя қилади"**.

Яна Асмо бинти Язид Набий соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилиб айтадики: **"Ким биродарининг гўштини ҳимоя қилса, уни дозахдан озод қилиш Аллоҳнинг зиммасида ҳақ бўлиб қолади"**.

Каъб ибн Молик Ҳадисида Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам Ҳуд ғазотига чиққанларида: "Нима бўлди Каъбга, келмадими?" деб сўраганларида, Бани Салама қабиласидан бўлган бир киши: "Ей, Росулulloҳ, уни кийимларию, юмшоқ ўринлари тўхтатиб қолдида", деб жавоб берди. Шунда Муоз ибн Жабал айтдиларки: "Қандай ҳам ёмон гап айтдинг. Аллоҳга қасамки, эй Росулulloҳ, биз ундан фақат яхшилиқни биламиз", дедилар. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам индамадилар. Бу ерда Муоз розияллоҳу анҳу биродарини ҳимоя қилдилар.

Ғийбат, чақимчилик ҳақида ҳаммамизда етарлича тушунча бор, буларни биламиз, таниймиз. Нима сабабдан бу нарсани енгил санаб

қоламиз, қайта-қайта шу гуноҳга тушамиз? Мана шу нарсани билмаганлигимиз учун ҳам гуноҳларга йўл қўйиб қўямиз экан. ҳадисда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **"Ким Рамазон рўзасини иймон ва ажр умид қилган ҳолатда тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади"**, деб хабар бердилар.

Ғийбатнинг нималигини ҳаммамиз биламиз, мана шу нуқсонимиз кўп панд бериб қолаверади. Ғийбат қилинади, истиғфор айтамиз, яна қилинаверади. Мана шу ғийбатни қилишда бизга нима сабаб бўлди, шу одам ҳақида у ёқтирмайдиган нарсани гапириб юбордик. Нега шу гапни гапирдик, шу гапни гапиришликка нима сабаб бўлди? Мана шунинг сабабини билишимиз керак экан. Ғийбатга олиб келадиган сабабларни яхши билиб олсак, кейин шунга қараб, даво қиламиз. Худдики, бировни ғийбат қилиб қўйиш бу касаллик, унга ташхис қўйиш керак. Кейин ташхисга қараб дорисини топишимиз керак, энди бу дори қанақа истеъмол қилинади, шу нарсаларни билишимиз керак.

Оқил инсон, фикр қилиб, ақлини ишлатиб, нима учун бу ғийбатга, ёки чақимчиликка сабаб бўлиб қолдим, нега шу ишни қилдим, деб ўйлаши керак бўлади.

Демак, биринчи ўринда унинг сабаблари билан танишиб чиқамиз:

1-сабаб. Инсоннинг қалбида бировга нисбатан бир алам бўлган, ундан ачиғланиш бўлади.

Асли қалбида бировга нисбатан ёмон гумон бўлади, шу нарсасини қондириш учун ғийбат қилади.

Масалан, қайнона-келин муносабатида келин қайнонасининг гапларига "хўп" деб кетаверади, лекин ичида алам, ғараз бўлиб қолади. Қайнонаси камситиб қўйганми, ёки нотўғри гапириб қўйганми, ёки келинига кўп ўргатаверганиданми, мана шу сабаблардан келиннинг ичида алам пайдо бўлиб қолади.

Аламини чиқариш учун ғийбат қилади, ота-онасига айтади, кўшниларифа, овсинларига, яна кимларгадир айтиш билан ўзининг нафсини шифолантиради. Бу ерда унинг шикоят қилишидан бошқа ҳеч қанақа нарса, ҳеч қанақа мақсад йўқ. "у бўлди, бу бўлди" деб, қалбидаги аламини қондириш учун ғийбат қилаётган бўлади, ёки чақимчилик ҳам қилиб қўяди.

Яна қайнона келинни ғийбат қилиб қўйиши мумкин. Алам ўтган вақтда индамасдан кетади, лекин кейин уни ғийбат қилиб, гапириб юради.

2-сабаб. Бошқа бир одамга нисбатан гина бўлади.

Кўнглида яшириб юрган гинаси бўлади, шу одамни ёмон кўради. Мана шу ёмон кўргани учун унинг ёмонликларини гапириб юради. Бу ҳам қалбидаги гинасини қондириш учун бўлади. Бир кишини ёмон кўриб, унинг бошқа ёмонликларини ҳам гапириб юриш иймони комил мўминларнинг сифатидан эмас. Бунда Аллоҳдан офият сўраймиз.

3-сабаб. Бир одам айнан бир инсоннинг исмини айтиб, ғийбат қилади.

Бунда бошқани ерга уриш, камситиш эвазига ўзини мақтаб, кўтариб қўйишни ҳохлаб айтадики: "Фалончи шунақанги жохил, тушиниши ҳам заиф, ёки касал. Бир нарсаларни тезда англаб олмайди, фаросатли, ҳушёр эмас. Бир нарсани англаб ололмади, мана шу нарсага фаросати етмади" деб, уни камситиш орқали ўзини фаросатли, ҳушёрли, билимли эканлигига одамларнинг эътиборини қаратади ва менда бундай нуқсонлар йўқ, деган тушунчани одамларга беради. Бу ҳам Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам баён қилиб берган ҳалокатли нарсалардан.

4-сабаб. Яхши кўрган биродар, дўстларимиз ўзаро бир кишини ғийбат қилиб қўйишди. Биз шу гапга муросасозлик қилиб, уларнинг яхши иш қилмаётганини, ҳозирги ҳолат яхши эмаслигини билган ҳолда, қайтага яна гап қўшиб, Аллоҳ азза ва жалланинг ғазабининг муқобилига дўстларининг розилигига эришиш учун муроса-бадора қилиб қўяди.

Бу эса иймоннинг заифлигидандир, Аллоҳ азза ва жалланинг кузатиб турганлигини ҳис қилмасликдан бўлади.

5-сабаб. Бир мўмин биродари гуноҳ иш қилаяпти. Биз биродаримизни гуноҳ устида кўрсак, ислоҳ қилишга ҳаракат қилишимиз керак. Лекин у биродарининг қилаётган гуноҳидан таажубланади ва ажабланган бўлиб, одамларга гапириб олади.

Айтадики: "Фалончидан жуда ажабландим, қандай қилиб у мана шундай хато қилиши мумкин. Ақлли, ёши катта одам бўлса, олим,

яхши инсонларнинг фарзанди бўлса" деб, бировнинг хатоларини гапириб юради, исмини тайин қилмасдан айтса бўлар эди.

6-сабаб. Бирор кишини бошқаларнинг олдида камситиб, масхаралаб, истехзо қилишлик билан гапириши.

Масалан, бирор ўртоғининг кўйлагини кийган бўлса: "Фалончини кўрдингми, ярашса ҳам майли эди, ярашмабди" деб, бировларнинг айбларини масхаромуз оҳангда гапириши ҳам ёмон ғийбатлардан.

7-сабаб. Бирор кишини ғийбат қилиш орқали ўзини Аллоҳ учун ғазабланган қилиб кўрсатади.

Гуноҳ ишини кўриб, ўзини Аллоҳ учун ғазаб қилгандек кўрсатиб, айтадики: "Фалончи Аллоҳдан ҳаё қилса бўлмайдими, Аллоҳга тақво қилса бўлмайдими, мана бундай гуноҳ ишларни қилиб юрибди экан", деб, бировнинг номусига, обрўсига ғийбат орқали тил теккизади. Агар ҳақиқатда Аллоҳдан учун ғазаб қилаётган бўлса, бориб шу одамни қилаётган гуноҳидан тийиб кўйиши керак эди.

8-сабаб. Ҳасад қилади, ҳасад шундай бўладики, бир одам бир одамга ҳасад қилган бўлади.

Одамлар бу одамни мақтаса, яхши кўрса, дини оз, ақли оз бўлган ҳасадчи одам ғийбат қилишга ҳаракат қилади. Одамлар уни яхши кўриб, мақтаб турилган неъматни кетқизиш учун ғийбатдан қурол сифатида фойдаланади. Обрўсига тил теккизиб, қанчадир даражада ундан шу неъматни кетқиза олади ҳам, ёки обрўсига путур ҳам етқизади. Бу одам мақтаётган одамларнинг олдида унинг қадрини тушириб кўяди. Бу ниҳоятда ақли паст, ақли хунук, нафси хабис бўлган инсонларнинг ишидан бўлиб, Аллоҳ Таолодан бундай ишлардан ҳам офият сўраймиз!

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхумодан ривоят қилиниб, айтадики: **"Росулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан: "Инсонларнинг энг афзали қайсилар?"** деб сўрашганида, **Росулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: "Қалби маҳмум, тили содиқ инсонлар"**, деб жавоб бердилар. Шунда: **"Тили содиқ - бундай инсонлар ёлғон гапирмайдиган, тўғри сўз инсонлар эканлигини биламиз. Лекин маҳмумул қалб нима дегани, у қалб қанақа бўлади?"** деб сўрашганида, **Росулуллоҳ**